

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “7” март

№ПК-4235

“ ” 20 г.

**Хотин-қизларнинг меҳнат ҳукуқлари кафолатларини
янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини
қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳукуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, туман (شاҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди, Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреатларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ҳукуқларини кафолатлаш, тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юритиш механизmlарини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Жумладан, узоқ муддат бола парваришилаш билан банд бўлган аёлларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмаган.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳукуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан:

аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинади;

тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланади;

бала парваришилаш таътилиниң камидаги уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бала парваришилаш таътили берилади;

икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар хисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вактини белгилаш ҳукуқи берилади;

аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки конун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳукуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади;

эркак ва аёллар ҳукуклари тенглигининг бузилиши билан боғлик ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат хисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Иктисадиёт ва саноат вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари кўмагида нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган “**Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари**”ни (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Куйидагиларни марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилаш тавсия этилсин:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бала парваришилаш таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига қўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдиран аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга қўмаклашиш;

аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш қўнималарини шакллантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консультатив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиха бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия хисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишини ташкил этиш;

зарур ҳолларда, фаолиятини бошлиётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига қўмаклашиш;

тадбиркор аёлларга ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорларни топиш, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш;

нарасмий фаолият юритаётган ҳунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёзлардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

марказлар бизнес-инкубатор шаклида хотин-қизларнинг тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ташкил этилади;

марказларни саклаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва асосий вазифалари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фондига тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисобланган фоиздан келиб тушган маблағлар (банк маржасидан ташқари) ҳамда халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида маҳсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилади;

маҳсус ўқитиш дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизлар орасидан тегишли туман (шаҳар) Хотин-қизлар қўмитаси раиси тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга 6 ойлик имтиёзли давр ва йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш тартиблари асосида ажратилади;

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фонди томонидан тижорат банкларига ҳар йили ажратиладиган 100 миллиард сўм ресурс маблағлари имтиёзли кредит маблағларининг манбаси этиб ҳисобланади. Мазкур ресурс маблағларининг камида 50 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган хотин-қизларнинг бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бир ой муддатда кредит олиш учун тавсия бериш жараёнини адолатли ва шафофлигини таъминловчи тартибни тасдиқласин.

5. Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қўмагидаги Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия** 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

6. Қуйидагилар Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид мурожаатларини кўриб чиқиш;

касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёлларнинг улушкини кўпайтириш масалалари бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

аёллар хукуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича умумэътироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун хужжатларига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

аёлларнинг хукуқий маданиятини оширишга қаратилган чораларни белгилаш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда кенг қамровли тарғибот ишларини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Адлия вазирлиги ва Инсон хукуқлари бўйича миллий марказ билан биргалиқда икки ой муддатда:

а) куйидагиларни назарда тутувчи “**Эркаклар ва аёллар учун тенг хукуклар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсан:

гендер тенглик тушунчаси ва турлари;

ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари;

давлат бошқарувида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ёллаш, кредит олиш ва тадбиркорлик билан шуғулланишда гендер тенгликни таъминлашга оид нормалар;

гендер тенглик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек бундай бузилишга олиб келадиган қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;

б) куйидагиларни назарда тутувчи “**Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсан:

маиший, иш жойидаги ва таълим муассасаларидаги тазиқ ва зўравонликлар турлари;

ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари;

тазиқ ва зўравонликларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;

судгача ва суд жараёнида тазиқ ва камситишларга дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган процессуал кафолатлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Хотин-қизлар қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Марказий банк, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда 2-иловага мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларнинг “Gender.stat.uz” веб-сайтига жойлаштирилишини ва маълумотларни доимий равишда янгиланиб борилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда марказларни барча шароитларга эга бўлган хизмат хоналари билан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларини хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ҳуқуқлари камситилиши ҳолатлари мавжудлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиб, тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринbosари Э.М. Ганиев ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига **Хотин-қизларнинг гендер tengligini ҳимоя қилиш бўйича комиссия** билан ҳамкорликда ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотлари, биринчи навбатда, аёлларни қўллаб-куватлашга ихтисослаштирилган ташкилотларнинг техник қўмак воситалари ва кредитларини жалб қилиш бўйича доимий ва тизимли равишда зарур ташкилий-амалий чоралар кўриш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзgartириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 7 мартағи ПҚ-4235-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизлар гендер тенглигини
химоя қилиш бўйича комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|----------------------|---|
| 1. Н.Т.Йўлдошев | - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, <i>Комиссия раиси</i> |
| 2. Т.К.Нарбаева | - Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, <i>Комиссия раиси ўринбосари</i> |
| 3. Д.Г.Ташмуҳамедова | - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори, <i>Комиссия раиси ўринбосари</i> |
| 4. А.Х.Сайдов | - Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори |
| 5. Г.Ф.Махмудова | - “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси (келишув асосида) |
| 6. Х.Б.Абдуваҳидов | - Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-куватлаш жамоат фонди раиси |
| 7. Лавозими бўйича | - Зўрлик ишлатишдан жабр қўрган шахсларни реабилатация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази директори (келишув асосида) |
| 8. Д.М.Махбубов | - Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосари |
| 9. Д.К.Муратова | - Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази бўлими бошлиги |
| 10. Г.А.Ишанханова | - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази бўлими мудири |
| 11. Н.Н.Шотурсунова | - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бўлими бошлиги |
| 12. Д.Н.Кузиева | - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бўлими бошлиги |
| 13. Н.Т.Матякубова | - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси юрисконсульты |

Изоҳ. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимларга тайинланганлар ёхуд тегишили функциялар бажарилиши юклатилган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 7 мартағи ПҚ-4235-сон қарорига
2-илова

**“Gender.stat.uz” веб-сайтига жойлаштирилиши лозим
бўлган минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотлар
РЎЙХАТИ**

T/р	Кўрсаткичлар номланиши	Маълумотларни шакллантириш учун масъул орган
1.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида ҳақ тўланмайдиган уй ишларини бажаришда сарфланган ўртача соатлар сони <i>(имконият бўлганида, уй ишларида ва болаларни парвариши учун сарфланган вақт алоҳида кўрсатилсин)</i>	Давлат статистика қўмитаси
2.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида биргаликда ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган уй ишлари учун сарфланган ўртача соатлар сони (юкламанинг умумий ҳажми)	Давлат статистика қўмитаси
3.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида 15–24 ёш, 15 ёш ҳамда ундан катта ёшдагиларнинг (15 +) ишчи кучида иштироки коэффициенти	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
4.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида банд бўлганлар умумий сонида ўзини-ўзи банд қилганларнинг улуши	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
5.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида ишчилар таркибидан банд бўлганлар улуши, оилавий бизнесига даромад олиб келаётганлар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
6.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида иш берувчилар таркибидан банд бўлганлар улуши	Давлат статистика қўмитаси
7.	Аёллар эгалик килаётган фирмалар фоизи	Давлат хизматлари агентлиги
8.	Хотин-қизлар ва эркакларнинг секторлар кесимида бандлик фоизи <i>(секторлар деб, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш каби соҳалар тушунилади)</i>	Давлат статистика қўмитаси
9.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида қишлоқ хўжалигига банд бўлмаганлар сонига нисбатан норасмий секторда банд бўлганлар фоиз ҳисобида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
10.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида 15–24 ёшлилар ўртасида ёшлар ишсизлиги коэффициенти	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
11.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида кредитларни олиш имкониятига эга бўлган аҳоли сони	Давлат статистика қўмитаси
12.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида ер мулкига эга бўлган катта ёшли аҳоли сони	Давергеодезкадастр қўмитаси

Т/р	Кўрсаткичлар номланиши	Маълумотларни шакллантириш учун масъул орган
13.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида ҳақ тўлашдаги фарқ	Давлат статистика қўмитаси
14.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида банд бўлганлар сонидан тўлиқ банд бўлмаганлар улуши	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
15.	25–49 ёшлилар З ёшгача бўлган фарзанди билан ва фарзандсиз уй хўжалигида яшаётган кишилар орасидаги бандлик коэффициенти	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
16.	Тарбияси сусткашлик билан олиб борилаётган З ёшга тўлмаган болалар сони.	Давлат статистика қўмитаси
17.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида интернетдан фойдаланаётган шахслар улуши	Давлат статистика қўмитаси
18.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида мобил/уяли алоқа воситаларидан фойдаланаётганлар улуши	Давлат статистика қўмитаси
19.	Оммавий ахборот воситаларидан (радио, телевидение, интернет) фойдаланаётган уй хўжаликлари улуши, уй хўжаликлари бошлиғи Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида	Давлат статистика қўмитаси
20.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида ёшлар саводхонлиги даражаси (15–24 ёшлилар орасида)	Давлат статистика қўмитаси
21.	Ўғил болалар ва қизлар кесимида бошланғич таълим билан қамраб олинганларнинг аниқлаштирилган коэффициенти	Давлат статистика қўмитаси
22.	Ўғил болалар ва қизлар кесимида ўрта таълим билан қамраб олиш умумий коэффициенти	Давлат статистика қўмитаси
23.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида мактабдан кейинги таълим билан қамраб олиш умумий коэффициенти	Давлат статистика қўмитаси
24.	Бошланғич, ўрта, мактабдан кейинги таълим билан қамраб олиш даражаси бўйича гендер тенглиги индекси	Давлат статистика қўмитаси
25.	Фан, мұхандислик, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳалари битирувчилари орасида аёллар улуши	Давлат статистика қўмитаси
26.	Мактабдан кейинги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибида аёлларнинг улуши	Давлат статистика қўмитаси
27.	Ўғил болалар ва қиз болалар кесимида бошланғич таълимнинг 1-синфига қабул қилинганларнинг аниқлаштирилган коэффициенти	Давлат статистика қўмитаси
28.	Ўғил болалар ва қиз болалар кесимида бошланғич таълимни тугатганлик коэффициенти	Давлат статистика қўмитаси
29.	Ўғил болалар ва қиз болалар кесимида ўрта таълимнинг биринчи босқич битирувчиларнинг умумий коэффициенти	Давлат статистика қўмитаси
30.	Ўғил болалар ва қиз болалар кесимида бошланғич таълимдан таълимнинг ўрта бўгинига ўтиш коэффициенти (умумий дастурлар)	Давлат статистика қўмитаси
31.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида 25 ёш ва ундан катталар таълим олганлиги даражаси	Давлат статистика қўмитаси
32.	15–49 ёшли турмушга чиқкан аёллар ҳамда иттифоқда яшаётган аёллар орасида контрацептив воситаларидан кенг фойдаланилганлик кўрсаткичи (%)	Давлат статистика қўмитаси
33.	Ўғил болалар ва қиз болалар кесимида 5 ёшга тўлмаган болалар ўлими (ҳолатлар сони)	Давлат статистика қўмитаси
34.	Оналар ўлими коэффициенти	Давлат статистика қўмитаси
35.	Перенатал парваришилаш/хизмат кўрсатиш доираси (%)	Соғлиқни саклаш вазирлиги

Т/р	Кўрсаткичлар номланиши	Маълумотларни шакллантириш учун масъул орган
36.	Малакали тиббиёт ходимлари томонидан парвариш қилинган туғилишлар сони	Соғлиқни саклаш вазирлиги
37.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида 15 ёшлилар ва ундан катталар ўртасида тамаки маҳсулотларни истеъмол килиш тарқалганилиги (%)	Давлат статистика қўмитаси
38.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида ортиқча вазн (семизликдан) азият чекаётган катта ёшлилар улуши	Давлат статистика қўмитаси
39.	15–49 ёшлилар орасида ОИВ/ОИТС ташҳиси билан касалланган аёллар улуши (сони)	ОИТС маркази
40.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида ретровирусларга қарши даволанаётганлар сони	ОИТС маркази
41.	Хотин-қизлар ва эркаклар кесимида 60–64 ёшлилар ўртача умр кўриши эҳтимоли юқори бўлганлар (%)	Давлат статистика қўмитаси
42.	Ёши катталарнинг вафот этиши (сабаблар ва ёш бўйича тоифалари кесимида)	Давлат статистика қўмитаси
43.	Вазир (вазирга тенглаштирилган) лавозимларда фаолият кўрсатаётган аёллар улуши	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
44.	Миллий Парламентда аёллар эгаллаган лавозимлар (депутатлик ўринлари) улуши	Марказий сайлов комиссияси
45.	Бошқарув лавозимларида фаолият кўрсатаётган аёллар улуши	Давлат статистика қўмитаси
46.	Ички ишлар ходимлари сонидан аёллар улуши	Ички ишлар вазирлиги
47.	Судьялар орасида аёллар улуши	Олий суд
48.	Жинсий шериги бўлган, шунингдек сўнгти 12 ойи давомида амалдаги ёки олдинги жинсий шериклари томонидан жинсий ва/ёки жисмоний зўрланишга дучор бўлган (15–49 ёшдагилар) аёллар улуши	Ички ишлар вазирлиги
49.	Яқин шерик хисобланмаган шахслар томонидан жинсий зўрланишга дучор бўлган аёллар, 15 ёшли ва ундан катталар (15–49 ёшдаги аёллар) улуши	Ички ишлар вазирлиги
50.	Аёлларнинг жинсий органларида майиб (мажрух) қилувчи операциялар тарқалгани / кесишлар	Соғлиқни саклаш вазирлиги
51.	20–24 ёшда турмуш қурган аёллар сонидан 18 ёшга тўлмасдан қонуний ёки ноқонуний турмуш қурган аёллар улуши	Давлат статистика қўмитаси
52.	Ўсмир қизлар орасида эрта туғуруқлар фоизи	Давлат статистика қўмитаси
53.	Ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари давомида нафақа олган фуқаролар сони	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
54.	Ҳомиладорлик ва туғиши нафақалар манбалари тўғрисида маълумотлар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги



Изоҳ: "Gender.stat.uz" веб-сайтига жойлаштирилиши лозим бўлган кўрсаткичлар Давлат статистика қўмитасига тақдим қилинади.